

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Баратбаев Батир Мамаджанович

Қўқон Давлат Педагогика Институту

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси

кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада, тасвирий санъат ўқув предмети, педагогик ва ахборот технологияларини, интерфаол метод ва инновацион дарсларни таълим жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, ноанъанавий дарс ўтиш усуллари, бу борада табақалаштириш, гуруҳ билан ишлаш, суҳбат, баҳс-мунозара, маълумотлар банки, “Ақлий ҳужум”, “Кластер-Тармоқ”, “Кунгабоқар”, “Бумеранг”, “Музёрап”, Презентация-Такдимот” каби методлар ўз мазмун моҳиятидан келиб чиқиб – бола диққатини ўзига торта олиши, зериктирмаслик, ҳамжиҳатликда иш юритиш, дарсга рағбат, ўз фикрини бошқалар фикри билан таққослаш, самимий баҳс-мунозара киришиши, актив фаолликка ундаш тамойилларига кўра яхши натижа бериши ҳақида кенг ёритилган.

Калит сўзлар

Тасвирий санъат ўқув предмети, педагогик ва ахборот технологияларини, интерфаол метод ва инновацион дарслар, гуруҳ билан ишлаш, суҳбат, баҳс-мунозара, маълумотлар банки, “Ақлий ҳужум”, “Кластер-Тармоқ”, “Кунгабоқар”, “Бумеранг”, “Музёрап”, Презентация-Такдимот”, натижа.

Annotation

This article focuses on the subject of fine arts, pedagogical and information technologies, interactive methods and innovative lessons in the educational process, non-traditional teaching methods, stratification, group work, discussion, information, debate, "debate" , Methods such as “Cluster-Network”, “Kungabokar”, “Boomerang”, “Museum”, “Presentation-Presentation” come from the essence of their content - to attract the child's attention, not to be bored, to work together, to encourage thinking, It is widely used to compare, to engage in a sincere debate, and to give good results in accordance with the principles of encouraging active participation.

Keywords

The subject of fine arts, pedagogical and information technologies, interactive methods and innovative lessons, group work, conversation, discussion, database, Brainstorming, Cluster Network, Sunflower, Boomerang, Museum, Presentation - Presentation, result.

Аннотация

В данной статье предмет изобразительного искусства, интерес к использованию педагогических и информационных технологий, интерактивные методы и инновационные уроки в образовательном процессе, нетрадиционные методы обучения, стратификация, групповая работа, беседа, дискуссия, база данных, «Мозговой штурм». Такие методы, как «Кластер-Сеть», «Подсолнух», «Бумеранг», «Музей», «Презентация-Презентация» основаны на сути их содержания – привлечь внимание ребенка, не заскучать, работать вместе, поощрение урока, выражение своего мнения, сравнение, введение задушевной дискуссии, результаты которой даются развернуто на принципах поощрения активного участия.

Ключевые слова

Предмет изобразительного искусства, педагогические и информационные технологии, интерактивные методы и инновационные уроки, групповая работа, беседа, дискуссия, база данных, «Мозговой штурм», «Кластер-сеть», «Подсолнух», «Бумеранг», «Музей», «Презентация- Презентация», результат.

Тасвирий санъат ўқув предмети умумий ўрта таълим мактабларидаги бошқа ўқув фанлари қатори ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялаш ва уларни комил инсонлар қилиб шакллантиришга хизмат қилади. Тасвирий санъат инсоннинг ички руҳий кечинмалари, ўй-ҳаёллари, кайфияти ва табиат гўзалликларини турли хил ранглар ва шакллар образи орқали ифодалайди. Ўқитувчи ўз дарсининг таъсирчан кучидан фойдаланиб ўқувчиларнинг маънавий, ахлоқий ва бадиий маданиятини ошириш мақсадида турли метод, шакл ва воситалар орқали ўз мақсадига эриша олади. Бугунги кунда янги педагогик ва ахборот технологияларини, интерфаол метод ва инновацион дарсларни таълим жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Бунга заруриятнинг асл сабабларидан бири, шу пайтгача анъанавий таълимда ўқувчини фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини, ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишга, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ҳозирги кунда замонавий усуллардан фойдаланиб дарс беришда ўқитувчи моҳирликдан-ижодкорликка интилиши ва бу билан таълим соҳаси ривожига ҳиссасини қўшмоғи талаб этилади. Ноанъанавий дарс ўтиш усулларидан фойдаланиш орқали иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилардан ўз кучига ишонч ҳосил қилиш муҳитини яратиш, синфдаги ўқувчилар ўртасида дўстлик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамфикрликнинг шаклланишига омил яратилади. Янги педтехнология ва интерфаол методлардан фойдаланишда,

Ўқитувчи дастлаб бу технологияларнинг мақсади, мазмуни, қўлланиш йўллари, шароитлари билан атрофлича танишиб чиқиши, сўнг ўз фани методологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни тўлиқ, қисман, ёки айрим жиҳатларини ўз дарсларига тадбиқ этиши мумкин бўлади. Ноанъанавий усулда ўтилган машғулотлар дарс сифат ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу борада табақалаштириш, гуруҳ билан ишлаш, суҳбат, баҳс-мунозара, маълумотлар банки, “Ақлий ҳужум”, “Кластер-Тармоқ”, “Кунгабоқар”, “Бумеранг”, “Музёрап”, Презентация-Тақдимот” каби методлар ўз мазмун моҳиятидан келиб чиқиб – бола диққатини ўзига торта олиши, зериктирмаслик, ҳамжиҳатликда иш юритиш, дарсга рағбат, ўз фикрини бошқалар фикри билан таққослаш, самимий баҳс-мунозара киришиши, актив фаолликка ундаш тамойилларига кўра яхши натижа беради. Тасвирий санъат дарсларида интерфаол усулларни назорат ишларида, ташкилий қисмда, уй вазифасини сўрашда, янги мавзун мустаҳкамлаш, такрорлаш ва ўқувчилар эгаллаган БКМларни аниқлашда қўллаш мумкин.

Ақлий ҳужум методи

“Ақлий ҳужум” ибораси инглизча “Бренсторминг” сўзидан олинган. “Браин” – мия, “Стерлинг” – ҳужум, бўрон, ҳаяжон маъносини англатади. Бу услубнинг “Мияни ҳаяжонга солиш” деб юритилиши, унинг асл мазмунини очиб беради, лекин уни “Ақлий ҳужум” деб аташ ўринлидир. Бу технологиядан тасвирий санъат дарсларида фойдаланиш мумкин. Масалан, яқинда ўтилган ва узок ўтилган мавзулар тезкор саволлар шаклида берилади, қисқа жавоблар орқали ўқувчилар хотираси мустаҳкамланади, дарсда берилган билимлар чархланиб, кўникма ва малакалар ҳосил қилинади. Ўқувчиларда топқирлик, ҳозиржавоблик ҳислатлари таркиб топтирилади.

“Презентация-Тақдимот” методи

Тақдимотда ҳар бир ўқувчининг бажарган иши унинг намойиши орқали баҳоланади. Ўқитувчи иштирокчиларнинг фаолиятини, билимини ва ютуқларини презентация-тақдимот қилиши учун шароит ва муҳим яратиб беради. Ўз ишининг намойиш орқали таълим олувчи билим олиши, хатолар орқали ўрганиши, ўз-ўзини бошқариш каби фазилатлар шаклланади.

Тақдимотда қилинган намойишнинг ютуғи, фикр ва ғояларнинг янгиланиши, эркин фикрларнинг ривожланиши, томошабинлар хулосасига кўра ўқувчи ўз ютуқ ва камчиликларни билиб олади. Чоракли назорат ишларида ташкил этилган ўқувчилар ижодий “Кўргазмаси” бу усулнинг нақадар аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Сабаби, ўқувчиларни чорак

давомида олган ижодий, амалий ва назарий билим, малака ва кўникмаларини “Такдимот” методи орқали аниқлаш анча қулай ва ижобийдир.

“Тармоқлар” ёки “Кластер” методи

Фикрларнинг тармоқланиши педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларнинг бирон-бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, уларга мавзуга таалуқли тушунча ёки аниқ фикрларни эркин ва очиқ узвий боғланган кетма-кетликда тармоқлашни ўргатади. Мавзуга оид тармоқлаш кўйидагича ташкил этилади.

1. Хаёлга келган мавзуга оид ҳар қандай фикр бир сўз билан ифода этилиб кетма-кет ёзилади.
2. Фикрлар тушунча ёзишда давом этилади.
3. Дарсда имкони борича фикрларнинг ўзаро боғлиқлиги ва кетма-кетлигини кўпайтиришга ҳаракат қилиш лозим.

Таклиф, ғоя, фикрлар ёзиб бўлингандан сўнг, ўқитувчи ёзувлар асосида ташланган муаммо ёки мавзунинг асл моҳиятини, мазмунини очиқ беради.

Масалан: “Энг кўп тарихий обидалар жойлашган қадимий шаҳарларни аниқланг?”



Кунгабоқар технологияси

“Наврўз байрами” мавзусида композиция ишлаш.

Ўқитувчи суҳбат асосида ўқувчиларга ишланиши керак бўлган композиция сюжетини аниқлашга ёрдам беради. Эпизодик кўриниш вариантлари танланади. Масалан: 1. «Наврўз сайлида». 2. «Кўк сомса». 3. «Сумалак». Танланган мавзу асосида композиция эскизи доскада чизиб кўрсатилади. Бунда 1-план, 2-план, перспектива, фигураларнинг

фазовий жойлашуви, характерли ҳолатлар, фон, колорит, ёруғ-соя каби тасвирий элементларга эътибор қаратилади.

Мавзунини мустаҳкамлаш


«Кунгабоқар» технологияси. Ўқувчилар гуруҳларга бўлинади. Ўқитувчи мавзудан келиб чиқиб, битта муаммони ёки асосий муаммодан келиб чиқиб, ҳар бир гуруҳга биттадан муаммо ташлайди. Ҳар бир гуруҳ кунгабоқар ясаб, унинг марказига доира жойлаштириб, барглари ёпиштиради. Мавзуга қараб доира атрофига баргларга ёзилган жавоблар ёпиштириб чиқилади. (Етарли миқдорда қоғоз барглари олдиндан тайёрлаб қўйилиши керак). Жавоблар кўпайгач вақт ўтиши билан гуруҳларнинг «Муаммолар гули» ўсиб бораверади.

1-гуруҳ. «Наврўзий сайл-томошалар».

2-гуруҳ. «Миллий спорт ва халқ ўйинлари».

3-гуруҳ. «Наврўз таомлари».

Масалан:



Савол-жавобда фаол қатнашган ўқувчилар рағбатлантирилади. Сўнгра ижодий фаолликка йўналтирилган ўқувчилар ўзлари танлаган эпизодик

вариант асосида мустақил равишда “Наврўз байрами” композициясини ишлаб келадилар.

Кези келганда шуни айтиш лозимки, бугунги кун ўқувчиси ХХІ аср фарзандлари ҳисобланади. Ҳозирги бутун дунёда глобаллашув жараёни юз бераётган, фан ва техника ривожланиб бораётган замонда ўқувчиларни оддий дарс ўтиш билан дарсга диққатини жалб қилиш, қизиқтириш мураккаб бўлиб бормоқда. Бу эса ҳар биримиздан дарсларимизни унумли ва самарали бўлиши учун – янги педтехнология ва интерфаол методлардан, замонавий Ахборот технологиялари – интернет, компьютер, мултимедия, слайд, диджиталлар каби техника воситаларидан ўз ўрнида фойдаланишни талаб қилади. Ана шундагина ҳар бир ўқитувчи ўз кўзлаган мақсадга эриша олади.

Адабиётлар

1. Азизхўжаева Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. Т.: ТДПУ, 2000-йил .
2. Махмудов М. Ўқув материалларини дидактик лойиҳалаш тизими. «Педагогик маҳорат», 2002-йил, 3-сон,
3. Толипов Ў, Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари–Т.: Фан, 2006.
4. //www.bilimdon.uz
5. //www.ziyonet.uz.